

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПАРВОЗЛАР ХАВФСИЗЛИГИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ
ДАВЛАТ ИНСПЕКЦИЯСИ БОШЛИҒИНИНГ
БУЙРУҒИ

**ЙЎЛОВЧИНИНГ ҲАВО КЕМАСИ ИЧИДАГИ ЮРИШ-ТУРИШ ҚОИДАЛАРИНИ
ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА**

*(Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 5-сон, 60-модда; 2016 й., 2-сон,
17-модда)*

**[Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2013 йил 29 январда
рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2416]**

Ўзбекистон Республикаси Ҳаво кодексининг 92¹-моддасига (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 й., 6-сон, 247-модда) мувофик буюраман:

1. Йўловчининг ҳаво кемаси ичидаги юриш-туриш қоидалари **иловага** мувофик тасдиқлансин.
2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Бошлиқ Т. ЎЛЖАЕВ

Тошкент ш.,
2012 йил 27 декабрь,
14н-сон

Йўловчининг ҳаво кемаси ичидаги юриш-туриш

ҚОИДАЛАРИ

Мазкур Қоидалар Ўзбекистон Республикаси Ҳаво кодексининг 92¹-моддасига (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 й., 6-сон, 247-модда) мувофиқ йўловчининг ҳаво кемаси ичидаги юриш-туриш қоидаларини белгилайди.

I боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Қоидаларда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

йўловчи — ҳаво транспортида ташиш шартномасига мувофиқ ҳаво кемасида ташилаётган ёки ташилиши лозим бўлган шахс;

ҳаво кемаси экипажи — ҳаво кемаси командири, учувчилар таркибига кирувчи бошқа шахслар ва хизмат кўрсатувчи ходимлар.

2. Мазкур Қоидалар Ўзбекистон Республикасининг ташувчилари томонидан ташиладиган барча йўловчилар учун мажбурийдир.

II боб. Йўловчининг ҳаво кемаси ичидаги юриш-туриши

3. Ҳаво кемаси (бундан буён матнда ХК деб юритилади) ичида йўловчи қуйидагиларни бажаришга мажбурдир:

мазкур Қоидаларни, ХК командирининг ёки экипаж аъзосининг ҳаво кемаси командири номидан берган парвоз ва ХК ичидаги одамлар хавфсизлигини, мол-мулк бут сақланишини, ташиш шартномасини ижро этиш билан боғлиқ хизматлар кўрсатиш тартиби ва имкониятини таъминлашга доир фармойишларини бажаришга;

ХК саҳнида учиш талонига, шунингдек зарур бўлган ҳолларда парвоз хавфсизлигини таъминлаш мақсадида ХК экипажи аъзоларининг кўрсатмасига мувофиқ жойлашишга;

юкларини махсус ажратилган жойларга жойлаштиришга;

«Камарларни тақиш» таблоси ёқилиши билан хавфсизлик камарини тақишга ва у ўчмагунча ечмасликка.

4. Йўловчи ХК ичида қуйидагиларни амалга ошириши тақиқланади:

гиёҳванд моддаларни, тамаки маҳсулотларини (носвой ва бошқаларни ҳам) истеъмол қилиши, шунингдек электрон сигаретлардан фойдаланиши;

ташувчи томонидан истеъмол қилиш учун таклиф қилинган белгиланган меъёрдан ташқари, шунингдек бож олинмайдиган савдо дўконларидан сотиб олинган алкоголь маҳсулотларини истеъмол қилиши;

учувчилар кабинасига кириши;

ХК экипажи аъзоларининг хизмат вазифаларини бажаришларида уларга тўсқинлик қилиши ёки уларнинг ишларига аралашиши;

ХКнинг юриш, қўтарилиш, ва қўниш вақтида электрон ва алоқа воситаларидан фойдаланиши, жумладан ХК бортида туриб фотосуратга ва видео тасвирга олиши;

(4-банднинг олтинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлигининг 2016 йил 8 январдаги 67-Н-сонли буйруғи (рўйхат рақами 2416-1, 12.01.2016 й.) таҳририда — ЎР ҚХТ, 2016 й., 2-сон, 17-модда)

ХКнинг мол-мулкни (пледлар, ёстиқлар, идиш-товоқлар, ошхона жиҳозлари, электрон воситалар, қутқариш нимчалари ва бошқаларни) олиб кетиши ва шикастлаши;

жамоат тартибини бузиши ва заруратсиз атрофдагиларни безовта қилиши;

ХК экипажи аъзоларининг тегишли кўрсатмаларисиз авария-қутқарув жиҳозларини ишлатиши;

ХК экипажи аъзоларининг рухсати ёки кўрсатмаларисиз бошқа жойларга ўтириши.

5. ҲК ичидаги юриш-туриш қоидалари йўловчи томонидан парвоз хавфсизлигига таҳдид туғдирадиган ёхуд шахсларнинг ҳаётига ёки соғлиғига ва мол-мулкига таҳдид туғдирадиган тарзда бузилса, у билан тузилган ташиш шартномаси ташувчи томонидан ташиш йўналишининг исталган манзилида бекор қилиниши мумкин.

III боб. Йўловчининг ҳуқуқлари

6. Йўловчи ҲК экипажи аъзоларидан ташиш шартномаси шартларида белгиланган хизматларнинг кўрсатилишини талаб қилишга ҳақлидир.

7. Йўловчи жамоат тартибини бузаётган, ўзини ёки бошқа шахсларни заруриятсиз безовта қилаётган ҳамда шаъни ва кадр-қимматига путур етказаётган, мол-мулкига ёки соғлиғига ёхуд ҳаётига таҳдид туғдираётган йўловчига таъсир кўрсатиш талаби билан ҲК экипажи аъзоларига мурожаат қилиш, шунингдек худди шундай ҳаракатлар қилаётган ҲК экипажи аъзолари устидан шикоят қилиш ҳуқуқига эга.

Қонун ҳужжатларига мувофиқ йўловчи бошқа ҳуқуқларга ҳам эгадир.

IV боб. Яқуний қоидалар

8. Мазкур Қоидалар талабларини бузганликда айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

9. Мазкур Қоидалар «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси билан келишилган.

**«Ўзбекистон ҳаво йўллари»
миллий авиакомпанияси бош директори
В. ТЯН**

2012 йил 26 декабрь